O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИНИ КЎРИШ БАХТИ БАРЧАМИЗГА НАСИБ ЭТСИН!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 1-sentabr • Payshanba • 112 (27.447) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.




## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Барчангизни Ўзбекистон тарихи ва ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём билан, мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ байрами билан табриклашга, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Бундан ўн тўрт йил муқаддам мустақилликка эришиб, ўзлигини англаб, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизнинг беқиёс бойлик ва имкониятларидан фойдаланишга эга бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан қатъият билан илгарилаб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонимиз ҳар бир йили ўн-юз йилларга тенг бўлган тарихий йўлни босиб ўтди. Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

Бунинг тасдиғини кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимиз чеҳрасида, далаларимиз, қишлоқ ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларда, янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари, муҳташам иншоотлар, шинам турар-жойлар, равон йўллар ва коммуникациялар тимсолида кўриш мумкин.

Бундай ижобий жараёнлар янгича асосда барпо этилаётган юзлаб ўқув юртлари — мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт муассасалари мисолида намоён бўлмоқда.

Эртанги кунни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай бунёдкорлик ишларимизга куч-қувват бераётган кўп қиррали маънавий ҳаётимизнинг янада юксалиши ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бугун ўз ҳосили ва самарасини бермоқда.

Шу борада улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маданий ва маърифий меросини, муқаддас қадриятларимизни тиклаш ва ҳаётга қайтариш билан бирга, ҳаётимизни замоннинг энг илғор ютуқ ва мезонлари билан бойитиш, комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия ишини мутлақо янги негизда ташкил этиш, муқаддас динимизга ҳурмат-эҳтиром — фаолиятимизнинг маъно-мазмунини белгилаб келмоқда.

Буларнинг барчаси, авваламбор «Ёш авлодга эътибор — келажакка эътибор» деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-қувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва кафолатига айланиши муқаррар.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз нақадар нотинч ва таҳликали замонни бошимиздан кечираётганимизга ҳаммамиз гувоҳмиз.

Бундай хатарли вазиятда бизнинг тинчлигимиз ва осуда ҳаётимизни, янги жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилаётганимизни кўролмайдиган, яқин ва узоқ атрофимизда ёвуз ва разил мақсадлар билан бизга кўз олайтираётган, кўпорувчи ва қабиҳ ҳаракатлардан ҳам тап тортмайдиган кучларнинг борлиги барчамиздан доимо сезгирлик ва ҳушёрлигимизни сақлаб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Бугун озодлигимиз, эркинлигимиз ва эзгу мақсадларимизга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлолини ҳимоялаш авваламбор ўзимизга, ўзимизнинг имконият ва салоҳиятимизга, азму шижоатимизга боғлиқ эканини шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон чуқур англаб, тушуниб олиши даркор.

Шу борада сиёсий, ҳарбий, иқтисодий омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи — миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Бу шундай буюк қудратки, тарихда бу кучга таяниб-суяниб, кўплаб халқлар энг мураккаб синовлардан, давр суронларидан омон чиққан ва бошқаларнинг ҳавасини уйғотадиган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга эришган.

Шу маънода, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай буюк куч-қудрат соҳибимиз» деган даъваткор сўзлари барчамизни ўз қадр-қимматимизни англашга, дунёда яккаю ягона бўлмиш Ватанимизни, бетакрор Ўзбекистонимизни севиш ва унга садоқат билан яшашга чорлайди.

Биз миллий ғурур ва ифтихор деганда, бу туйғуни нафақат бугунги муаммо ва қийинчиликларни енгишда, эзгу мақсадларга етиш йўлида суянч сифатида англаймиз, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтиришга, унинг шаънига доғ у ёқда турсин, ҳатто соя туширмасликка хизмат қиладиган ҳаётбахш бир куч сифатида тушунамиз. Ва биз бу вазифани бугунги кунда энг муҳим, энг зарур бурчимиз, деб билишимиз даркор.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало олдимизда турган жиддий вазифалар ва мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш масалалари эътибор марказида турганини чуқур англаб олишимиз керак.

Биринчи галда эл-юртимиз хавфсизлигини таъминлаш, оқни қорадан ажратишга қурбимиз етиши, ҳаётимизда ҳали учраб келаётган лоқайдлик, бепарволик, ўзибўларчилик каби эски асоратлардан воз кечиш, кимдир четдан келиб бизни ҳимоя этади ва оғиримизни енгил қилиб беради, деган қарашларга бутунлай барҳам беришимиз зарур.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар ва эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш, одамларимизни иш билан тўлиқ таъминлаш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг имконият ва ҳуқуқий кафолатлар яратиб бериш ва уларни амалга ошириш, айнан шулар ҳисобидан аҳолининг даромадини, оладиган маошларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш — буларнинг барчаси сўзда эмас, амалда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг долзарб масала бўлиб қолади.

Айниқса, жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич, ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мен мана шу юксак минбардан туриб, барчангизни бағримга босиб, сизларга, сизларнинг сиймонгизда бутун халқимизга қарата эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Эл-юртимизнинг боши омон бўлсин!

Ватанимизни ёмон кўзлардан, ҳасад ва ғаразли ниятлардан, бало-қазолардан ўзи асрасин!

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш бахти барчамизга насиб этсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



## ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

### Мустақилликнинг 14 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтган байрам тантаналаридан репортаж



Мустақиллик — озод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Мустақилликнинг ўн тўрт йили — тарихан қисқа, айни чоғда мазмунан асрларга татигулик давр.

Бу йиллар — Президентимизнинг: «Биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз» деган чорловини ҳаётга изчил жорий этиш йўлида қўйилган ўн тўрт залворли одимдир.

Бунёдкор халқимизга, осойишта юртимизга тўйлар, байрамлар ярашади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш қутлуғ анъанага айланди.

Бу йил байрамнинг асосий тантаналари пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда нишонланмоқда. Шу муносабат билан Навоий ҳайкали, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси биноси ва Халқлар дўстлиги саройи оралиғидаги муҳташам томоша мажмуи бетакрор гўзаллик касб этди.

Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Тантанага ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланганидан дарак беради. Маҳобатли саҳнада байроқдорлар саф тортади.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Мамлакатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

2-бет

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг эзгу қутловларимни изҳор этиш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Бу йил — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳаётидаги муҳим сана. Биз ташкилотнинг 60 йиллигини нишонлаймиз ҳамда жаҳоннинг барча мамлакатлари томонидан XXI асрда энг яхши дунёни барпо этиш учун асос сифатида 2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик декларациясининг беш йиллик ҳисоботини тайёрлаймиз. Ишонаманки, БМТга аъзо мамлакатлар ушбу воқеага ўз назари, эзгу нияти билан холисона ёндашадилар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини такомиллаштириш ва янгилаш учун узоқни кўзловчи чора-тадбирларни амалга оширишга тайёр бўладилар.

Ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳар қандай амалдаги институтнинг доимий ҳамроҳи бўлиши шубҳасиз. Аммо мен бу йил ундан-да кенгроқ фаолликни кўраяпман. Мен уни кейинги бир неча йил мобайнида яққол намоён бўлган хавф-хатарларга, чунончи, халқаро терроризм ва оммавий қирғин қуролларини тарқатиш каби хавфларга, шунингдек, давом этаётган қашшоқлик, очлик ва касалликлардан иборат глобал таҳдидларга нисбатан биргаликда жавоб топиш мумкин бўладиган ноёб имконият деб биламан.

Ўзимизнинг муштарак миссиямизни амалга ошираётган бир пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистоннинг бардавом етакчилиги, олган мажбуриятларига содиқлиги ва мададига умид боғлай олиш бизга мамнуният бахш этади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган беғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Кофи АННАН,**
**БМТ Бош котиби**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари анъанавий дўстлик, ишонч, бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилишдан иборат мустаҳкам асосда дадил ривожланиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир.

Ишончим комилки, икки томонлама муносабатларни бутун чоралар билан ривожлантириш масалаларидаги мавжуд ҳамжиҳатлик Россия — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга, халқаро терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

## МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ХОТИРА

### «ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУИДАН РЕПОРТАЖ

Истиқлол халқимизга ўзлигини англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва янада бойитиш, она-Ватанимиз ҳурлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимизнинг порлоқ хотирасига эҳтиром кўрсатиш имконини берди. Мустабид тузум даврида қатағон қилинган минглаб ота-боболаримизнинг ноҳақ қораланган муборак номлари яна покланди. Ватанимиз истиқлоли йўлида шаҳид кетган қатағон қурбонлари хотираси абадийлаштирилди.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи мана шундай зотларга кўрсатилган эҳтиромнинг ёрқин намунасидир.

31 август. Тонг. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи. Қуёшнинг заррин ёғдулари атрофни нурафшон этишга чоғланган кезда мажмуа янада гавжум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Юртбошимиз бу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

2-бет

## ЭЗГУЛИК ВА ТАРОВАТ МАСКАНЛАРИ

Мустақиллик кишини бунёдкорликка, яратувчиликка бошлайди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида пойтахтимизда ва мамлакатимиз вилоятларида кўплаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилаётгани шукуҳли айём завқини оширади, кўксимизни фахру ифтихорга тўлдиради. Истиқлол мана шу янги иншоотлар тимсолида янада ёрқинроқ намоён бўлиб, қалбимизда ғурур ва сурур тошади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темир йўл компаниясининг ўзига хос ўрни бор. У Ўзбекистонда темир йўл тизимини ҳамда тегишли инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришда кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда. Мисол сифатида учинчи босқич ишлари поёнига етаётган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» магистралини, фойдаланишга топширилган «Тошгузар — Деҳқонобод» ва «Тошгузар — Қарадаҳна» участкаларини, битиш арафасида турган «Бойсун — Дарбанд» участкасини, Тошкент билан Самарқанд ўртасида қатнаётган «Регистон» тезюрар поездини келтиришнинг ўзи кифоя.

2-бет

## АЗИЗ ДЎСТЛАР, ҚАДРЛИ ПАРТИЯДОШЛАР!

*Сизларнинг барчангизни энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги билан чин дилдан қутлаймиз.*

*Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги, халқимиз манфаатлари, ҳар бир оиланинг фаровонлиги, ҳар бир инсоннинг бахт-саодати, партиямизнинг дастурий ғояларини рўёбга чиқариш йўлидаги эзгу ишларингизга муваффақият тилаймиз.*

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси**
**Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси**

## ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ



**Беҳзод АБДУРАИМОВ** 1990 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. В.Успенский номидаги республика мусиқа академик лицейи ўқувчиси. 1999 йилда «Санъат ғунчалари» республика кўрик-танлови, 2000 йилда Қозоғистонда ўтказилган ёш пианиночиларнинг халқаро кўрик-танловлари ғолиби.

2001 йилда Италияда ўтган болалар ёзги халқаро фестивали совриндори. 2002 йил Хитойда бўлиб ўтган ёш мусиқачилар халқаро танловининг «Энг яхши мусиқачи» диплоги соҳиби. 2003 йилда Италиянинг Агрополи шаҳрида бўлиб ўтган ёш пианиночиларнинг халқаро кўрик-танлови мутлақ ғолиби. 2004 йил Москвада иқтидорли болалар Спиванов фонди концерти иштирокчиси. 2005 йил Украинада ўтказилган В.Горовиц номли пианиночилар халқаро танлови қатнашчиси.

Беҳзод Абдураимов шу йилнинг 16 июль — 1 август кунлари Американинг Нью-Йорк шаҳрида 30-40 ёшли пианиночилар ўртасидаги фестивалга таклиф этилди. Жаҳоннинг турли мамлакатлари вакиллари қатнашган бу нуфузли фестивал иштирокчилари орасида энг ёш ҳамда Марказий Осиёдан қатнашган ягона иштирокчи Беҳзод Абдураимов бўлди. Мазкур танловга ташриф буюрган дунёнинг энг кучли пианиночи мастер класслари уни Америка, Германия ва бошқа ўнлаб давлатларга ўқишга, концерт беришга таклиф этдилар.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

4-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

# ЭЗГУЛИК ВА ТАРОВАТ МАСКАНЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент марказий темир йўл вокзали ҳам бугун бутунлай ўзга қиёфа касб этган. Транспорт шовқини, ғала-ғовур, аччиқ тутуни ва чанг-тўзони билан ёдимизда қолган вокзал олдидаги майдон кўкаламзорлаштирилди. Асосий бино миллий меъморлик анъаналари асосида таъмирланди. Йўловчилар ва транспорт воситалари учун қулай бекатлар, чиптахоналар, кутиш майдончалари, фавворалар барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 август куни Тошкент марказий темир йўл вокзалига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари бундай гавжум иморатлардаги қурилиш-таъмирлаш ишлари катта масъулият талаб қилишини, шу боис ҳар бир ишни аввалдан пухта ўйлаб амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Масалан, вокзал ёнидаги кўприк тор, дидсизлик билан қурилган. Уни шаҳарнинг бош лойиҳаси ва вокзал тузилмасига мос келади, деб бўлмайди. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам ундан қониқиш ҳосил қилиш қийин.

Президентимиз Тошкент билан Бухоро ўртасида қатнови йўлга қўйилиши режалаштирилаётган «Шарқ» тезюрар поездини кўздан кечирди. Уни жиҳозлаш, йўловчи ва поезд хизматчиларига яратилган шароитларни янада яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Мамлакатимизда малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, илғор технологияларни кенг жорий этишга, назарияни амалиёт билан чамбарчас боғлаб олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 21 июлда имзоланган «Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ана шундай хайрли ишлар йўлидаги яна бир қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ театр санъати, кино, телевидение, санъатшунослик ҳамда соҳанинг бошқа йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида пойтахтимизнинг Мироншоҳ кўчасида барпо этилаётган бинолар мажмуи ушбу олий ўқув юрти тасарруфига берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ўқув биноларида амалга оширилган реконструкция ишлари, институт талабаларининг қобилиятини ҳар томонлама юзага чиқариш учун яратилган зарур моддий-техникавий база ва шарт-шароит билан танишди. «Нутқ маҳорати» хонасини кўздан кечирган Юртбошимиз ҳазрат Алишер Навоий даҳосини ёдга олди.

— Фарзандларимиз соф ўзбек тилида сўзлашишни ўрганиши лозим. Бу борада санъат аҳлининг ўзига хос ўрни бор. Она тилимизни соф ҳолда келажак авлодларга етказиш бизнинг бурчимиз. Тили тоза инсоннинг дили ҳам тоза бўлади, — деди Президент.

Мазкур билим даргоҳининг бинолар мажмуи ва иншоотлар лойиҳаларига санъат соҳасидаги олий ўқув юртлари ўқув-ижодий жараёнларининг ўзига хослиги ва алоҳида талабларини инобатга олган ҳолда тегишли тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Ўн саккизта мастер-класс — «маҳорат синфи», аудиториялар, студиялар ва бошқа зарур хоналар техникавий воситалар, ускуналар, мебель, дарслик ва ўқув-услубий адабиётлар билан тўлиқ таъминланди.

— Моддий база бирламчи эмас. Буларнинг барчаси малакали мутахассис тайёрлашга кўмаклашадиган воситалар, холос. Биз маънавий базани мустаҳкамлашга, институтни малакали мутахассислар билан таъминлашга, профессор-ўқитувчилар таркибини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим, — деди давлатимиз раҳбари. — Ушбу институтни ҳар йили икки юздан зиёд талаба битиради. Уларнинг ҳар бири касб танлашда янглишмаганига, ҳаётда ўз ўрнини топа олишига ишонмоғи керак.

Юртбошимиз бир гуруҳ ёшлар — институт талабалари билан суҳбатлашди. Уларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари, яшаш шароити билан қизиқди.

Алишер Навоий номидаги Миллий боғ мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами арафасида мутлақо янгича қиёфа касб этди. Нақшинкор пештоқ, мармарлар билан безатилган ўн икки устун ва беш гумбазли маҳобатли дарвоза доимо очиқ. Кираверишдаги кўм-кўк майдон ҳам кўзга, ҳам дилга ором беради. Унда аттракционлар билан бирга, спорт-соғломлаштириш маркази ташкил этилган. Футбол, волейбол, теннис, енгил атлетика сингари спорт турлари билан шуғулланиш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, пойтахтимиздаги энг катта сув ҳавзаларидан бири бўлган кўлга алоҳида эътибор қаратди. Тўққиз гектарлик улкан майдонни эгаллаган кўлнинг қирғоқлари, кўприклари таъмирланди.

— Одамлар бу кўл бўйига дам олиш ва соғлиғини яхшилаш учун келади, — деди Президентимиз. — Демак, унинг суви мунтазам янгиланиб туриши керак. Шу мақсадда кираверишдаги кўприк остига тозалаш қурилмаси ўрнатилгани яхши бўлибди.

Кўл тубини янада чуқурлаштириш, соҳилни қайроқтош билан безаш ҳам айни муддао бўлади.

Ҳар бир миллатнинг муқаддас қадамжолари бўлади. Халқимиз азал-азалдан топиниб келган қадамжолар истиқлол туфайли янгидан қадр топди. Инсон бундай жойларда ўз орзу-умидларини кўради. Шу маънода, Мустақиллик майдони ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар маскан, халқимизнинг асрий армонлари рўёбидир.

Янгича қиёфа касб этган майдонга кираверишда Президентимизнинг яна бир ҳаётбахш ғоясининг ҳаётдаги инъикоси бўлмиш Эзгулик аркаси бунёд этилди. Ўн олти мармар устунни туташтириб турган маҳобатли арка томон элтувчи оппоқ йўлак, тепасида чарх ураётган турналар, беҳадик лайлаклар тимсолида катта маъно бор.

— Энди турмуш қураётган келин-куёвларимиз эзгу ният билан шу дарвозадан ўтиб, мўътабар сиймо қаршисида бир зум ўйга толса. Қалбларидаги орзу-истаклари ҳақида ўйласа, ўзларига, ўзгаларга бахт тиласа, — деди Президентимиз. — Назаримда бу сиймо бағрига гўдагини босиб турган, юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг, фарзандининг келажагига ишонч балқиб турган ёш ўзбек аёли — бахтли аёл шаклида бўлиши лозим. Негаки, аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади. Оила бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади. Жамоатчилик ушбу фикрларимни эътиборсиз қолдирмайди, деб ўйлайман.

Ер шарининг рамзий тимсоли — Мустақиллик монументи истиқлолнинг дастлабки кунларида ўрнатилган эди. У дунёда Ўзбекистон деган янги давлат пайдо бўлганининг, унинг ўз танлаган йўли борлигининг, ўзбек халқи озодликка эришганининг ифодасидир. Эзгулик аркаси эса Мустақиллик майдонини янги мазмун билан бойитди. Мустақил Ўзбекистоннинг пок ва эзгу мақсадлари рамзи бўлди у.

**Воҳид ЛУҚМОН, Анвар БОБОЕВ, ЎзА мухбирлари**

# МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ХОТИРА

31 август. Тонг. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи. Қуёшнинг заррин ёғдулари атрофни нурафшон этишга чоғланган кезда мажмуа янада гавжум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди. Юртбошимиз бу ерда ҳозир бўлган жамоатчилик вакиллари ва журналистлар билан учрашиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз, қатағон қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига эҳтиром сифатида мазкур ёдгорлик мажмуини бунёд этиб, халқимиз кўнглидаги ишни қилдик, деди давлатимиз раҳбари. Бугунги дориламон кунларга эришишимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг аянчли қисмати билан боғлиқ ҳаққоний маълумотларни ўрганиш доимий эзгу амалларимиздан бўлиши даркор.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш, нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаш, қадрига етишга ундайди. Айниқса, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кескин кураш бораётган, айрим кучлар томонидан юртимизга ноҳақ таъна ва маломат тошлари отилаётган бир пайтда ўзини шу замин фарзанди деб билган ҳар бир инсон бепарво ва лоқайд туришга ҳаққи йўқ. Истиқлол аталмиш буюк неъматни кўз қорачиғидек асрабавайлаш, келажак авлодларга озод ва обод ватан қолдириш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз ёдини ҳамиша эсда тутсак, уларга муносиб ворис сифатида мустақиллигимизни турли бузғунчи кучлардан ҳимоя этсак, ўйлайманки, бу ҳам азал-азалдан ҳеч кимга бош эгмаган халқимизга хос мардлик намунаси бўлади.

Аждодлар хотираси — муқаддас. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида мана шу қутлуғ кунларга етишимизга, керак бўлса, ўзининг жонини фидо қилиш билан ҳисса қўшган қатағон қурбонларининг хотирасини ёд этиб, қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз тетиклашади. Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир инсон учун аждодлар хотираси олдида бош эгиб, улар руҳига эҳтиром бажо этмоқ ҳам фарз, ҳам қарздир, деди Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, шундай муаззам қадамжога боқиб, инсон қалбидан маҳзун, шу билан бирга умидбахш ҳис ва кечинмалар ўтади. Бу дунёдан ҳамма — яхши ҳам, ёмон ҳам ўтади. Аммо олий ҳакам — вақт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди: зулму ситам, қабоҳат ва разолат зулматга чекиниб, ҳақиқат ва адолат қарор топади. Ана шундай кезларда инсон эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига яна бир бор амин бўлади. Шу боис биз катта маънавий, тарбиявий ҳамда умрбоқий аҳамиятга эга бундай савобли ишларимизни мунтазам давом эттиришимиз зарур.

Мустамлака тузум, зулм ва зўравонлик авж олган ўта оғир ва мураккаб замонда, таъқиб ва тазйиқлар остида яшашига қарамай, ўз маблағини эл-юрт ўртасида маърифат зиёсини сочишга — янги усулдаги мактаблар, театр ва кутубхоналар очиш, газета ва журналлар ташкил қилиб, дарслик ва китоблар нашр этишга сарфлаган фидойи аждодларимиз жасорати мангуликка дахлдор.

Истиқлол йилларида бу улуғ зотларнинг хотирасини тиклаш, ҳурматини жойига қўйиш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширдик, деб таъкидлади Юртбошимиз. Кўплаб кўча ва мактаблар, маданият ва маърифат масканлари уларнинг номлари билан аталмоқда, илмий-ижодий мероси тикланмоқда ва кенг ўрганилмоқда. Бироқ ҳали бу борада қилишимиз зарур ишларимиз кўп. Шу билан бирга, аждодлар меросидан фақат фахрланиш эмас, балки уни ривожлантириш ва янада бойитиш хусусида ҳам бош қотиришимиз даркор.

Ўзлигини англаб етмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди. Шу боис кишиларимиз бугунги мураккаб замонда, турли манфаатлар тўқнашуви рўй бераётган зиддиятли вазиятда мустақилликнинг, тинчлик ва осойишталикнинг қадр-қимматини тўла англаб етмоғи зарур. Юртимизни ўз таъсир доирасига олишга, халқимизнинг озодлиги ва мустақиллигини, эзгу орзу-интилишларини, юксак инсоний туйғуларини топташга уринадиган, уларга беписанд қарайдиган кучларга муносиб жавоб беришга ҳамиша қодирмиз.

Бу борада айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод — эртанги келажагимиз ворислари яхшини ёмондан, дўстни душмандан, ростни ёлғондан ажрата билмоғи лозим. Турли оқим ва ҳар хил бузғунчи ғоялар таъсирига тушмасликнинг ягона йўли — мафкуравий иммунитетни ошириш. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деган даъватни ҳар биримиз қалбимизга жо қилсак, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, деган қатъий ишонч билан яшасак, бизни ҳеч қандай куч енголмайди, олиб бораётган мустақил сиёсатимизга монелик қилолмайди.

Турли бузғунчи кучларнинг мамлакатимиз хусусида иғво ва бўҳтон тарқатишдан кўзлаган мақсадини ҳар бир юртдошимиз тўғри идрок этмоғи, ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг қатъий муносабатига, мустақил фикр ва қарашларига эга бўлмоғи лозим. Андижон воқеаларидан кейин уюштирилаётган ахборот хуружларидан мақсад, аввало, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсига путур етказишдан иборатдир. Шу билан бирга, одамлар юрагига ваҳима ва қўрқув солиш орқали уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини сусайтиришдек ғаразли ниятлар яширинган.

Кишиларнинг келажакка бўлган ишончи жамият тараққиётида муҳим омиллардандир. Халқимиз ташқи кучларнинг иғво ва бўҳтонларига қарши аҳиллик билан курашиб, эртанги кунга ишонч билан Ватан тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқда. Бу — ўз олдимизга қўйган мақсад-муддаоларимизга эришишимизда муҳим омил бўлмоқда, деди Президентимиз Ислом Каримов пировардида.

**Норали ОЧИЛОВ, ЎзА мухбири**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Публицистика

# ВАТАННИ СЕВГАН

**Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздур...**

**Амир ТЕМУР**

Буюк бобомизнинг авлод-аждодларимизга қилган бу васиятини Президентимиз Ислом Каримов 1994 йил 20 сентябрь куни бир гуруҳ ватандошларимизга мустақил мамлакатимизнинг юксак орден ва медалларини топшираётиб эслатган эди.

Соҳибқироннинг юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол меҳнат қилиш ғояси ҳамда мақсади билан тер тўкаётган инсонлар бугун истиқлолга эришган мамлакатимизда минглаб топилади. 1994 йилнинг 5 май куни таъсис этилган **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони ва **«Олтин юлдуз»** медали билан тақдирланган замондошларимизнинг ўзиёқ эндиликда қанчадан-қанча... Ва яна ўша йили таъсис этилган **«Мустақиллик», «Дўстлик»** орденлари ҳамда **«Жасорат», «Шуҳрат»** медалларига сазовор бўлганларчи..! Ҳар йили янги қаҳрамонлар, янги орденлилар, янги-янги номлар...

Агар биз бугун мустақилликнинг муаззам манзилларидан туриб орқага — босиб ўтган йўлимизга, ортда қолган довонларимизга назар ташлайдиган бўлсак, истиқлол туфайли юзага чиққан бу янги номларнинг ҳар бирини бир юлдуз деб тасаввур этсак, улар ўн тўрт йиллик тинч осмонимизда Сомон йўлидек ёруғ, унинг юлдузларидек беҳисоб бўлиб кўринадилар. Бугина эмас, шу катта-кичик, ҳадсиз-ҳисобсиз юлдузларни ўз атрофига бирлаштириб, эргаштирган ёрқин юлдузлар ҳам борки, улар ҳур Ўзбекистонни севиб, ёниб яшаётган ва ишлаётган замондошларимиздир.

Улар — бугуннинг деҳқонлари, ишчилари, қурувчилари, чорвадорлари, боғбонлари, фермерлари, тадбиркорлари, ҳунармандлари... Улар фидокорлиги ва фаоллиги, шу куннинг талабини, халқимизнинг мақсаду-муддаосини яхши тушунганликлари талабчан ва ташаббускорлиги билан бошқа касбдошларидан ажралиб турадилар. Улар фақат ўз манфаатларини эмас, корхонаси ёки хўжалиги тақдирини, ўзлари тайёрлаётган маҳсулотлар харидоргир, халқаро андозалар даражасида рақобатга бардошли бўлишини ўйлайдиган кишилардир.

Улардан бири Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Иброҳим Файзуллаевдир. У бутун бир катта жамоани илғорлар сафига олиб чиқишга мушарраф бўлди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида хўжалик бир қадар чўкиб қолган, олдинги шуҳрати сўна бошлаган, экин майдонларининг ҳосилдорлиги пасайиб, аҳолининг турмуш тарзи ночорлашган, кайфияти сусайган пайтлар эди. Шунда у оддий бир фуқаро сифатида хўжалик тақдирига бефарқ қараб туролмади. «Биргина менинг қўлимдан нима келади?», демади. «Оғирликни бизга ўхшаган деҳқончилик илмидан хабардор бўлганлар ўз елкаларига олмасалар ким олади», деган қарорга келди, юзлаб ҳамюртлари юрагига чўғ ташлади.

Ниҳоят, юз берган аҳволга деярли кўникиб қолаёзган кишилар аста-секин фикрларини ўзгартириб, унга эргашдилар. Маслакдош сафдошлари сони йил сайин ошиб борди. Унинг ибрати билан хўжалик тармоқларида «очилмаган қўриқ»лар — ички имкониятлар топилди... Қарабсизки, хўжалик мустақиллик йиллари бошига келиб, юксак натижалар кўрсата бошлади, соф фойда кўпайгандан кўпайиб борди, одамларнинг турмуши яхшиланди, қишлоқлар кўриниши ўзгарди.

Мустақилликнинг беш йиллиги нишонланган 1996 йилдаёқ Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи Содиқжон Абдурасулов, Самарқанддаги махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси таъмирловчиси Мирумар Асадовлар унинг қатори Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медалига сазовор бўлдилар. Улар ҳам ўша кезлари Иброҳим Файзуллаев каби мустақиллик йиллари бошланган бунёдкорлик ва ижодкорлик ишларининг ўзига хос янги-янги қирраларини очдилар. Юзлаб издошларига бош-қош бўлдилар.

Орадан бир йил ўтиб, «олтин юлдуз»лилар сафига «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг «Тошмахсуспардозқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли 42-қурилиш бошқармаси сувоқчиси Холхўжа Умаров, Хоразм вилояти, Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Машарип Қувоқов (марҳум) ҳам қўшилди.

... Ҳар куни тонг отгач, қуёш оламни ёритгани каби бу қаҳрамонлар яна ва яна кўп-кўпларнинг йўлларини ёритди, бўлгувси ўнлаб қаҳрамонларни ўзларига эргаштира олди.

Жомбойлик Аваз Эргашев, жиззахлик Парда Зиётов, чортоқлик Абдували Абдураҳимов,

# ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Майдонда Ўзбекистон Давлат байроғи мавжланиб, нурли паннода «14» рақами шуълаланади. Улкан экранда юртимизда истиқлол йилларида амалга оширилган оламшумул ишлар, халқимиз эришган залворли ютуқларни акс эттирувчи лавҳалар намойиш этилади.

Ўтган даврда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди, аҳолининг реал даромадлари ўсди. Кўкдумалоқ конида қўшимча газлардан фойдаланиш лойиҳаси ниҳоясига етди. Муборак газни қайта ишлаш заводида пропан-совутиш қурилмаси, «Умид» нефть-газ конденсати конида комплекс тайёрлаш қурилмалари фойдаланишга топширилди. Кўплаб магистрал газ қувурлари, темир йўллар, автомобиль йўллари, кўприк ва йўл ўтказгичлар ишга туширилди.

Хорижий инвестицияни жалб этиш эвазига янгидан-янги объектлар фойдаланишга топширилди. Мустақиллик байрами арафасида биргина тўқимачилик соҳасида ўнга яқин қўшма ва хорижий корхона очилгани бунга яққол далил бўла олади.

... Ранго-ранг шарлар самога кўтарилади. Ўзбекни, Ўзбекистонни мадҳ этувчи яллалар билан тантананинг бадиий қисми бошланади.

Ҳа, бугун қанча фахрлансак арзигулик ишларимиз кўп. Бир мисол. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган ойлар мобайнида 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 75,5 фоиз ошган — харидорларга 61,4 мингта автомобиль жўнатилган. 2008 йилга бориб эса завод конвейерларидан 180 мингтагача машина чиқариш кўзда тутилмоқда.

Ушбу соҳада «СамКочавто»нинг ҳам ўз муносиб ўрни бор. Ҳозир корхона жамоаси 20 турдаги автобус ва юк машинаси тайёрлаяпти.

Дунё бозорида ўзбек авиасозлари маҳсулотларига қизиқиш тобора ортмоқда. Жаҳон самолётсозлик саноати етакчиларидан бири — Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган самолётлар яқинда Россияда ўтган «МАКС-2005» халқаро аэрокоинот кўргазмасида катта эътибор қозонди. Ушбу кўргазма кунлари Россиянинг



«Волга-Днепр» компаниялар гуруҳи билан Ил-76ТД90ВД русумли янги авлод самолётини ишлаб чиқариш тўғрисида шартнома имзоланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларнинг кўлами кенг, самараси бисёр.

... «Дунёча дунё бергай болалар табассуми». Саҳнада янграган қўшиқнинг ана шу сатрлари эътиборни тортади. Шодон қўшиқлар ва чаққон рақслардан сўнг бобо ва набираларнинг савол-жавоб айтишувларига, эртаклар қаҳрамонларининг чиқишларига навбат келади. Майдон жажжи болакайларнинг кулгуси ва шўх-хандон қийқириқларига тўлади.

Саҳнани гимнастикачилар, енгил атлетикачилар, акробатлар эгаллайди. Спортчиларимиз дунё спорт майдонларини забт этишда давом қилмоқда. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг ғалабалари кўнглимизни ўстиради...

...Бугун она юртимизнинг миллионлаб асл фарзандлари: «Бу муқаддас замин — менинг Ватаним, аждодларимнинг табаррук хоки ётган бу тупроқни ҳимоя қилиш учун сўнгги томчи қоним қолгунча курашишга тайёрман», деган азму қарор билан яшамоқдалар. Зеро, истиқлолимиз тақдири, халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги, эртанги куни ҳар биримизга боғлиқ.

Биз нотинч ва мураккаб дунёда яшаётганимизни чуқур англаган ҳолда, буюк мақсадларимизга эришиш учун ҳамиша ҳушёр ва сезгир бўлишимиз, бошлаган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштиришимиз зарур.

Мустақиллик йўлида оғир синовларни ҳам бошимиздан кечирмоқдамиз. Халқимиз улардан муваффақият билан ўтмоқда. Андижон воқеалари халқимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ танлаб олган ўз йўлидан ҳеч қачон оғишмаслигини, қора кучларнинг қутқусига учмаслигини, бошқача айтганда, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигини яна бир бор исботлади...

Ҳарбий оркестр садолари остида майдон бўйлаб Қуролли Кучларимиз вакиллари шахдам одимлар билан ўта бошлайди.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Офицер ва аскарларимиз касбий маҳоратини ошириш борасида тинмай ўқиб-изланмоқда, ўз бурчини сидқидилдан адо этмоқда. Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий муҳофазаси Юртбошимизнинг доимий диққат марказида. Кейинги йилларда бу борада бир неча қарор қабул қилингани шундан далолатдир.

Байрам тантаналарининг санъатни, миллий ўзлигимизни, асрий урф-одатларимизни тарғиб этувчи бадиий дастурига навбат етади. Мумтоз ашулалар, куйлар ва рақслардан сўнг карнай-сурнай садолари остида лапар ва яллалар янграйди. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакиллари ўз санъатини намойиш этадилар.

Замонавий ўзбек эстрадаси намояндалари ўз чиқишларида миллатимизни, халқимизни улуғлайдилар, мустақиллигимизни, озод ва обод Ватанимизни мадҳ этадилар.

Нурли паннода истиқлолимиз асосчиси, унинг жасур ва жонкуяр ҳимоячиси Президент Ислом Каримовнинг: «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган даъвати ёғду сочади. Мустақилликнинг туб моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган шарафли йўли, эришган улкан ютуқлари, юртдошларимиз дилидаги Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари тўла мужассамини топган ушбу даъват дилларга нақшланади.

Самода ранго-ранг мушаклар порлайди...

Истиқлолимизнинг 14 йиллиги муносабати билан бепоён Ватанимизнинг барча вилоят ва туманларида, шаҳар ва қишлоқларида байрам тантаналари давом этмоқда.

**Ғулом МИРЗО, ЎзА шарҳловчиси**

**Суратларда:** байрам тантаналаридан лавҳалар.

**Дилшод ЮСУПОВ, Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар**

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ҚУВОНЧ ЧЕКСИЗ, ШИЖОАТ ЧЕКСИЗ

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Фидойилик, изланиш, ўрганиш, астойдил қилинган меҳнат мустақиллик йилларидагина ўз қадрини топди. Меҳнати қадрланган инсон эса эл-юрт хизматига янада ошиқади.

Мустақиллик байрами арафасида муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан бир гуруҳ юртдошларимиз давлат ва юрт олдидаги фидокорона хизматлари ҳамда самарали меҳнатлари учун мукофотландилар. Улар қаторида мен ҳам борман. Албатта, бундан беҳад хурсанд ва миннатдорман.

Мен бундан буён ҳам республикамиз ва халқимиз, партиямиз учун ўзгача ғайрат-шижоат билан хизмат қиламан. Зеро, юксак мукофот — «Меҳнат шуҳрати» ордени шунга ундайди, руҳлантиради, куч-қувват бағишлайди.

# ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҲАЁТИДАН

— **1991 йил 1 ноябрь.** Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди ва Ўзбекистон ХДП ташкил топди, партиянинг Дастури, Низоми қабул қилинди.

— **1991 йил 29 декабрь.** Биринчи марта мамлакатда муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлиги учун умумхалқ сайлови бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси муваффақиятли иштирок этди.

— **1994 йил 1 ноябрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг II қурултойи бўлиб ўтди. Унда биринчи марта 250 сайлов округи бўйича кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатилди ва партиянинг сайловолди сиёсий платформаси қабул қилинди.

— **1996 йил 26 сентябрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий ғоялари, Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган партиямиз фаолларининг фидокорона меҳнатларини рағбатлантириш, ибратли ишларини тарғиб қилиш мақсадида ҳамда ЎзХДП ташкил топганлигининг 5 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Эҳтиром китоби» таъсис этилди.

— **1999 йил 8 октябрь.** Ўзбекистон ХДПнинг III қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига партиядан номзодлар кўрсатилди. Партиянинг Сайловолди Платформаси қабул қилинди.

— **2004 йил 4 ноябрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг IV қурултойи бўлиб ўтди. Унда партия ўзини мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти деб эълон қилди. 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловлари муносабати билан сўл сиёсий қарашларга асосланган Сайловолди Платформаси қабул қилинди.

— **2004 йил 26 декабрь.** Ўзбекистон Республикасида умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра мамлакатимиз тарихида илк бор икки палатали парламент шаклланди. Парламетнинг қуйи палатасига Ўзбекистон ХДП дан 28 номзод депутат этиб сайланди.

— **2005 йил 28 январь.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП раҳбари ХДПни ЎзЛиДеПга сиёсий мухолифатда эканлиги тўғрисида баёнот берди.

— **2005 йил 2 июль.** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиянинг сўл мафкурасига асосланган янги Дастури қабул қилинди. Дастурда партиянинг яқин беш йилда халқимиз, ўз электорати манфаатлари йўлида бажарадиган асосий вазифалари белгиланди.

## Ўзбекистон шаҳарсозлиги


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси


Тошкентдаги Интерконтиненталь меҳмонхонаси


Пойтахтимизнинг Эски Жўва қисмида қад ростлаган болалар бадиий ижодиёти уйи биноси


Қарши шаҳридаги Санъат коллежи

## Ўзбекистон автомобилсозлиги








## Ўзбекистон самолётсозлиги






«Қариси бор уйнинг париси бор»

# «ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКР»

**Юртбошимиз Фармони билан Ватан тараққиёти йўлида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилган, ҳозирда ҳам бой тажрибаси, ўгит-насиҳатлари ила ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётганлиги учун мукофотланган юз ёшдан ошган бир гуруҳ отахон ва онахонлар сафида фарғоналик 103 ёшли Темир бобо Узоқов ҳамда тошкентлик 105 ёшли Зарофат момо Эгамбердиевалар ҳам бор.**



**Темир бобо УЗОҚОВ 103 ёшга кирсада, ҳали тетик, бардам. Ҳар куни тонгда водилликларнинг эски анъанасига кўра шу ердаги минг йиллик чинор остида тенгкурлари билан нонушта қилади. Уч ўғил, икки қизнинг отаси, ўн олти невара, ўн етти чеваранинг бобоси.**

— Отам деҳқончилик қиларди, — дейди Темир бобо Узоқов. — Колхозлаштириш туфайли еримиздан ажралдик. 1933 йилги очарчиликда акам Қўшоқбой ўлиб кетди. Кўп ўтмай отам, онам ҳам ўтиб кетишди. Колхозда ишлаб юрган эдим. Ўша пайтлари пахта пунктига юк ташиш учун бақувват йигитлар керак экан, ишга олишди. Ишонасизми, шу жойда 41 йил ишладим. Аммо, бойигним йўқ. Раҳматли аёлим Робохон билан ЗАГСга борган кунимизни эслаб, ҳозир ҳам йиғлагим келади. Бўлажак эр-хотин ёнма-ён турибмиз, мен бўз иштон-кўйлакда, оёқялангман... Келин ҳам бўз кийим кийган...

Болаларим, қирқ бир йил бир жойда, бир ишда ишлаб на бирор марта санаторияга бордим, на меҳнатим тақдирланиб бирон бир мукофотга лойиқ кўрилдим. Мана энди, юз ёшдан ошган бир пайтимда ўзимизнинг мамлакатимиз мени тақдирлади. Президентимиз Фармонларини эшитиб, кўзимга ёш келди. Уйимиз фарзандларим ва набираларимга тўлди, қўни-қўшнилар чиқишди. Болаларимнинг олдида бошимни баланд кўтардим. Ахир, мана ҳақиқат бор экан-ку, ҳалол меҳнат барибир қадрини топаркан-ку! Аллоҳга минг шукурки, халқимизга мустақиллик ато бўлди. Биздай кексаларни сийлаган Юртбошимизга қуллуқ. У кишининг ишларига Аллоҳдан ривож, ўзларига мустаҳкам саломатлик сўрайман. Кучимга куч қўшилгандек бўлди. Кўзларимга нур энди. Шу кунларга етказганига шукр...

●●●

**Улуғ айём арафасида — Президентимиз фармони билан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган 105 ёшли Зарофат момо ЭГАМБЕРДИЕВА умр йўлларига назар солар экан, ёшликда кўрган-кечирганлари-ю, замона зўри билан тортган азобларини бирма-бир ёдга олди.**



— Чиғатойнинг Оқтепасида ўсганман, — дейди Зарофат момо. — Ёшликда куч-кувватим бор эди, бир эркакдан кўп меҳнат қилардим. Мени кўрган кунимни ҳеч ким кўрмасин. Ер чопдик, пахта тердик, меҳнат билан бирга бола боқдик. Биров ҳолинг нима деб сўрамади. Меҳнатимизни қадрламади. Яқинларгача юрардим, кўчаларга, қўни-қўшниникига чиқардим. Бир йил бўлди, ўзим юра олмаяпману, лекин эрталабки намозни ўқийман. Қариндош-уруғларим зиёрат қилгани келиб туришади, шуларни дуо қилиб ўтираман.

Мен баъзан ўйлар эдим, одамларни эсидан чиқиб кетган бўлсам керак, деб. Йўқ, ундай эмас экан. Биз нафақат халқимизни, балки Президентимизни ҳам эътиборида, эъзозида эканлигимизни мана бу «Шуҳрат» медали ҳам кўрсатиб турибди. Президентимизга Аллоҳ бизнинг ёшимизни берсин. Бизни қадрлаганларни Аллоҳ сийласин. Илоҳо омин, омин деганда омон қилсин, мўл-кўлчилик замон қилсин, ою кунларга барака берсин, дили соғга қувват, юртимизга тинчлик, соғу саломат яхши кунларни берсин, ўтирганда ўрнингларда берсин, болам, юрганда йўлингларда берсин, ботмондахсар мани умримниям бизни йўқлаганларга берсин, даври давронларни кўрсин.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

Спорт

# ЎН ТЎРТ ЙИЛНИНГ ЭНГ ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАРИ

ЖАҲОН МАЙДОНЛАРИДАГИ ҒАЛАБАЛАРИМИЗ ҲАР БИРИМИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ, ҚАЛБИМИЗНИ ФАХР-ИФТИХОРГА ТЎЛДИРАДИ

**1992 йил 24 июнь.** Филиппин пойтахти Манилада 30-Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон терма жамоасига кумуш медал топширилди. Олимпиадада иштирок этган юздан зиёд давлатнинг шоҳмотчилари, жаҳон спорти мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон халқининг интеллектуал салоҳиятига гувоҳ бўлишди.

●●●

**1994 йил 12 февраль.** Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида XVII қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими давом этмоқда. Майдонга олимпиада тарихида биринчи бор мустақил жамоа сифатида қатнашаётган Ўзбекистон спортчилари қадам қўйишди. Намойишдан ўтаётган ҳар бир давлат вакилларини ўз она тилларида муборакбод этаётган сухандон юртдошларимизнинг қутлуғ қадамини соф ўзбек тилида «Хуш келдингиз, Ўзбекистон!» дея қутлади. Бу ўзбекона сўзларимизни Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 68 мамлакатдан келган 2 мингдан ортиқ спортчи, майдондаги 10 мингдан зиёд мутахассису мухлислар ва олимпиада тантанали очилиш маросимини ойнаи жаҳон қаршисида кузатаётган 150 га яқин давлатдаги 2 миллиард телетомошабин эшитди.

Қишки олимпиадалар 70 йиллик тарихида бирон марта қатнашмаган қуёшли юрт ҳисобланмиш Ўзбекистон вакилининг илк уринишдаёқ мўъжиза яратгани, яъни моҳир фристайлчимиз Лина Черязованинг Олимпия чемпиони бўлгани жаҳон спорт мутасаддиларини ҳайратга солди, дунё спорт аҳлининг эътиборини Ўзбекистонга қаратди. 1994 йил 24 февраль куни шоҳсупанинг юқори поғонасида мағрур турган Лина Черязовага олтин медални Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ)нинг ўша вақтдаги президенти Хуан Антонио Самаранчнинг ўзи топширди. Ғолиб шарафига олимпиада тарихида биринчи марта Ўзбекистон байроғи кўтарилди ва давлатимиз мадҳияси янгради!

●●●

**1994 йил 30 май.** Ўзбекистон спорт тарихида ёрқин саҳифа очилган кун. «Ўзбекистон» спорт мажмуасининг марказий очиқ кортида «Президент кубоги» биринчи халқаро мусобқасида қатнашиш учун беш қитъадан келган ракетка усталари саф тортишди... «Президент кубоги» мусобақаси, АТР тур туркумига киритилди, нуфузи тез суръатлар билан ошди. «Президент кубоги» мусобақасини кўриш учун ХОҚ президенти Х.А.Самаранч, АТР тур ижрочи директори Майкл Майлз каби спорт мутасаддиларининг ташриф буюргани фикримизни тасдиқлайди.

**1994 йил 16 октябрь.** Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтган 12-Осиё ўйинларининг сўнгги куни. Ўйинларнинг тантанали ёпилиш маросими олдидан майдонга Ўзбекистон ва Хитой футболчилари чиқишди. Бу учрашувда Осиё ўйинларининг футбол бўйича ғолиби аниқланиши керак эди. Ўйингоҳга 12-Осиё ўйинларига келган барча жаҳон спорти мутасаддилари, мутахассислар, мураббийлар, спортчилар, журналистлар, эътиборли меҳмонлар ташриф буюришганди. Етакчи телекомпаниялар стадиондан тўғридан-тўғри кўрсатувлар олиб бораётганди. Ана шундай масъулиятли учрашувда футболчиларимиз ғалаба қозониб, 12-Осиё ўйинлари чемпиони бўлишди! Миллиардлаб телетомошабинлар кўз ўнгида футболчиларимизга олтин медаллар топширилди.

●●●

**1996 йил 6 февраль.** ХОҚнинг Лозанна шаҳридаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олимпия ғояларига садоқати ва жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари учун спортдаги энг олий мукофот — Халқаро Олимпия қўмитасининг Олтин Олимпия ордени топширилди. Президентимизнинг юксак мукофот билан тақдирланиши Халқаро Олимпия қўмитасининг Ўзбекистонни спорт мамлакати сифатида эътироф этганининг исботи бўлди.

●●●

**1996 йил 13 апрель.** Таниқли боксчимиз Артур Григорян Гамбург шаҳрида WBO таснифи бўйича 61,2 кг вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлиб, Ўзбекистон шуҳратига шуҳрат қўшди ва боксчиларимизга профессионал бокс дарвозаларини очиб берди.

●●●

Ҳар бир мамлакатда ҳукумат уйлари пештоқида албатта давлат байроғи ҳилпираб туради. Лекин давлатларнинг байроғи қадаладиган умумий «дунё томи» — Ер юзидаги энг баланд чўққи Эверест (Жомолунгма) ҳам бор. Ҳукумат уйи томида байроқнинг ҳилпираши мустақилликдан далолат берса, «дунё томи»га байроқнинг қадалиши давлатнинг қудратини жумлаи жаҳонга намойиш этади. Чунки муз қоплаган, бўронлар тинмайдиган тик қияликлар орқали Эверестга кўтарилиш мана-ман деган альпинистларнинг ҳаммасига ҳам насиб этавермайди.

**1998 йил. 22 май, соат 16.45.** «Дунё томи» ўзбек фарзанди Рустам Ражабов оёқлари остида, юқорида фақат осмон! У байроғимизни «дунё томи»га мустаҳкам қилиб ўрнатди. Эсдалик ва чўққига чиққанини тасдиқлаш учун «Кодак» фотоаппаратини олиб суратга туширди. Кейин рация орқали асосий қароргоҳимизга хабар берди.

— Мен чўққидаман!..

Баъзан шу икки сўзни айтиш учун бир альпинист умри етмайди. Ўша кун бу икки сўзнинг «дунё томи»дан янграши мустақил Ўзбекистонимизни жаҳон ҳамжамияти ўртасида Эверест қадар улуғлади.

●●●

**1998 йил 6 сентябрь.** Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг мажлислар залида тўпланган Ўзбекистон, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея каби 28 та ривожланган давлат вакиллари Кураш Халқаро ассоциацияси (КХА)ни тузишга якдиллик билан овоз берди. 1999 йил 1-2 май кунлари Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати катта муваффақият билан ўтказилди.

Ўтган йилларда курашни тарғиб этиш, оммалаштириш борасида олиб борилган изчил саъй-ҳаракатлар туфайли КХА жаҳондаги нуфузли спорт ташкилотига айланди, унинг таркибида Европа, Осиё, Африка, Пан-Америка ва Океания конфедерациялари ҳамда 77 миллий федерация фаолият кўрсатяпти. Жаҳонда шиддат билан ривожланаётган ўзбек кураши Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олиш учун дадил одимлаяпти.

●●●

**2000 йил 1 октябрь.** Умид нигоҳларимиз Сидней олимпиадаси финалига чиққан Муҳаммадқодир Абдуллаевга қаратилган. Унинг рақиби анойи эмас, АҚШ вакили Рикардо Уильямс. Муросасиз «жанг»да Муҳаммадқодир ғалаба қозонди: Олимпиадалар тарихида биринчи ўзбек ўғлони Олимпия чемпиони деган юксак унвон билан шарафланди.

Маълумки, 1997 йилда Венгрияда бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Руслан Чагаев 91 кг вазн тоифасида 2 карра Олимпия ўйинлари, 6 марта жаҳон чемпиони кубалик Феликс Савонни мағлубиятга учратиб жаҳон чемпиони бўлганди. Аммо кубалик боксчиларнинг пуч даъвосини инобатга олган Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси раҳбарияти Руслан Чагаевни жаҳон чемпиони унвонидан ноҳақ маҳрум этганди. Агар мустақил давлат бўлмаганимизда, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетарди. Аммо бугун Ўзбекистон ўзининг ҳалол ошини бировларга бериб қўймайди. 2001 йил Белфаст шаҳрида ўтган навбатдаги жаҳон чемпионати даврида Руслан Чагаевга ҳалол «жанг»да эришган жаҳон чемпиони унвони қайтарилди, яъни тўрт йилдан кейин ҳақ қарор топди. Ўша чемпионатда Руслан оғир вазнда жаҳон чемпиони бўлиб, ўзбек боксининг ноҳақлик устидан қозонган ғалабасини нишонлади.

**2004 йил, 13 июль.** Ливия пойтахти Триполи шаҳрида 26 кунлик жаҳон чемпионатининг қизғин баҳсларидан кейин ўзбек фарзанди Рустам Қосимжонов 17-жаҳон чемпиони, деб эълон қилинди! Ақлий, жисмоний ва руҳий баркамоллик талаб этиладиган шоҳмотда жаҳон чемпиони бўлиш осон эмас. Буни 1886 йилдан буён жаҳон чемпионлиги учун мусобақалар ўтказилишига қарамай атиги 17 нафар шоҳмотчига жаҳон тождори унвони насиб этганидан ҳам билса бўлади.

●●●

**2004 йилнинг августи.** Афина олимпиадаси XXI асрдаги биринчи Олимпия ўйинлари бўлгани учун ундаги натижалар муҳим аҳамиятга эга эди. Барча спортчи юксак натижа кўрсатишга бор кучини сарфлади. Ана шундай муросасиз курашлардан кейин ўзбекистонлик спортчилардан Александр Доктуришвили, Артур Таймазовнинг олтин, Магомед Ибрагимовнинг кумуш, Ўткир Ҳайдаров ва Баҳодир Султоновнинг бронза медаллари билан тақдирланиши, Ўзбекистоннинг умумжамоа ҳисобида Афина олимпиадасида 34-ўринни эгаллаши улкан муваффақиятлар сирасига киради.

●●●

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари, «Тўмарис ўйинлари», «Сув париси», «Шарқ гўзали» каби нуфузли мусобақаларда камолга етаётган ёшларимиз вақти келиб, жаҳон майдонларида ўз сўзларини айтишади, ўзбек бўлиб, Ўзбекистон бўлиб шоҳсупага кўтарилишади.

**Асрор МЎМИН,**
**журналист**





# ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

— Олтмиш ёшли корхонамиз бағрида ҳозир 840 нафардан зиёд киши меҳнат қилаяпти. Мустақиллик берган кенг имкониятлар туфайли хорижий давлатлар билан шерикчилик қилаяпмиз, ҳамкорликда яна янги қўшма корхоналар очмоқчимиз. Энг

(Давоми. Боши 3-бетда)

асосийси — ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни энди ўзимиз **«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»** деган ёрлиқ билан хорижга экспорт қилаяпмиз. 2002 йилда қўшма корхонага айлантирилган жамиятимиз бугунги кунда Россия, Афғонистон, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа қатор давлатларга буюртмалар асосида лок-бўёқлар жўнатмоқда. Шунингдек, Индонезия, Ҳиндистон, Тайван, Украина сингари мамлакатлар билан ҳам маҳсулотларимиз хомашёлари таъминотида ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Ҳозир корхонамизда 100 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Технологик жараёнларни янада ривожлантириш учун Германия, Россия, Австрия сингари давлатларда ишлаб чиқарилган энг замонавий дастгоҳлар, ускуналар ўрнатаяпмиз. Бугунги улуғ байрамимиз арафасида енгил ва юк автомобиллари учун мўлжалланган тормоз суюқлиги ҳамда уй поллари, томёпқичлар ва бошқа хил қурилиш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган темир кукунли пигментлар тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Уларнинг эвазига жорий йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 13 миллиард сўмдан ошиши кутилмоқда.

Ҳа, истиқлол йиллари мамлакатимиз иқтисодиёти жабҳаларида мислсиз ижобий ўзгаришлар юз берди. Хорижий сармоядорлар билан алоқаларимиз кенг ривожланди. Қўшимча иш ўринлари яратилди. Маҳсулотларимиз жаҳон бозорига «Made in Uzbekistan» деган ёрлиқ билан кира бошлади.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

*Суратларда: илғор ишчилар Раъно Раҳматуллаева ва Наргиза Соҳибовалар тайёр маҳсулотларни намойиш қилишмоқда; қўшма корхона бош директори Мирҳаёт Ҳакимов, фахрий мутахассис Игорь Гитлин билан маҳсулот сифати хусусида суҳбатлашмоқда.*

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Latif G`ULOMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 755
6558 nusxada bosildi
т — Тижорат материали
O'zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda